

## **“Суғурта иши” кафедраси СИ-1 гуруҳ магистранти**

**Дўсбоев Ўткир Хидирович**

### **Мавзу: Суғурталовчилар уюшмаси ва унинг суғурта бозори ривожланишидаги ролини ошириш масалалари.**

**Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги кунда мамлакатимизда суғурта хизмати бозорини ривожланган давлатлар қаторига кўтариш мақсадида суғурта фаолияти қонунчилик тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда ва бу ишлар изчиллик билан давом эттириб келинмоқда.

Мамлакатимиздаги суғурта компанияларнинг фаолиятини қўллаб қувватлаш борасида ҳукуватимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Суғурталовчилар уюшмаси бевосита суғурта компанияларининг ҳақ ҳуқуқларини химоя қилиши ва улар фаолиятини қўллаб қувватлаши лозим

#### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.**

Суғурта ва суғурта муносабатлари бозор инфратузилмасининг энг муҳим таркибий унсурларидан бири бўлиб, бозор шароитида таваккалчиликка асосланган тадбиркорликни ишончли юритилишида ва уни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Республикамиз ва МДҲ мамлакатларида Суғурталовчилар уюшмасини фаолиятини ошириш учун қаратилган бир қатор илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу олиб борилган изланиш натижалари амалиётга кенг жалб қилиниб келинмоқда.

**Тадқиқотнинг объекти.** Суғурталовчилар уюшмаси ва унинг суғурта бозори ривожланишидаги ролини ошириш масалаларини ҳар томонлама илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, мазкур соҳани қўллаб қувватлаш ва суғурталаш йўллари тадқиқ этишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг назарий асослари.** Суғурталовчилар уюшмаси ва унинг суғурта бозори ривожланишидаги ролини ошириш масалалари мамлакатимиз ва МДҲ давлатларидаги суғурташунос олимларнинг назарий асослари, мазкур мавзуга оид нашр қилинган мақола ва рисолалар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг методологик асосини.** Фанда ишлаб чиқилган билимнинг умумилмий усуллари, жумладан, тарихий, мантиқий, статистик ва амалиёт материалларини умумлаштириш усуллари ташкил қилади.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар.**

Тадқиқот ишида илк маротаба мамлакатимиз миллий суғурта бозорида Суғурталовчилар уюшмаси ва унинг суғурта бозори ривожланишидаги ролини ошириш масалаларининг назарий-амалий муаммолари янги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш босқичида таҳлил этилмоқда.